



89

2017 у.г. «24» март № 640-К Самарқанд т.-р. Самарқанд

**«ABULKHAKOV FAZLIDIN BOG'LARI»** фермер хўжалигига дала шийпони, пилла боқиш хонаси ва тикувчилик цехи қуриш учун қўшимча 0,2 га ер майдони ажратиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26 февралдаги Таҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа тижорат ушбу ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тўғрисида»ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 августдаги 357 сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тўғрисида»ги қарорларни ижросини таъминлаш мақсадида, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси, «Ишловчилик ширкати» бош лойиҳа қидирув институтининг 2016 йил 05 июлдаги 07-16/7-1057 сонли хулосаси, Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 16 йил 16 сентябрдаги 1260 сонли хулосаси ва «ABULKHAKOV FAZLIDIN BOG'LARI» фермер хўжалигининг туман ҳокимлигига берган хати ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер участкаларни танлаш далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 36-моддасига асосан

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.
2. Самарқанд туман «Қайнама» қишлоқ фуқаролар йиғини «Мотрид агротехсервис» ширкати ер харитасининг 20 контуридан «ABULKHAKOV FAZLIDIN BOG'LARI» фермер хўжалигига дала шийпони, пилла боқиш хонаси ва тикувчилик цехи қуриш учун жами 0,2 га ер майдонидан: 0,2 га туман захирасидаги қишлоқ хўжалигидан фойдаланилмайдиган) ер майдони ажратилсин.
3. «ABULKHAKOV FAZLIDIN BOG'LARI» фермер хўжалигига дала шийпони, пилла боқиш хонаси ва тикувчилик цехи бино иншоотларини қуришдан олдин Ўзбекистон Республикаси «Таҳарсозлик кодекси»нинг 8,39 ва 54 моддаларига амал қилган ҳолда А.Р.Т. «Самарқанд» ширкати ҳисобига ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиш назорат экспертизаси ва назорат қилиш инспекцияси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2017 йил 1 январ ҳолатидаги ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (З.Зоҳидов) ва Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (З.Олимов)га тақдим қилинсин.
5. «ABULKHAKOV FAZLIDIN BOG'LARI» фермер хўжалиги томонидан «Ер участкаларни танлаш далолатномаси»нинг 36-моддаси талаблари бузилган тақдирда ушбу қарор ўз кучини юқотган деб ҳисоблансин.
6. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Шайхонмуродов Заманжон Заманжонович зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров